

**Вахабов А.В.,**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети «Макроиқтисодиёт»  
кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори,  
профессор;**Хажобакиев Ш.Х.,**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети катта илмий-ҳодим изланувчиси

# ЖАҲОН АМАЛИЁТИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚўЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

---

## **ВАХАБОВ А.В., ХАЖИБАКИЕВ Ш.Х. ЖАҲОН АМАЛИЁТИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚўЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

Мақолада инновацион етакчиликка эришишда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига сарфланадиган харажатларнинг ўрни баҳоланган. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инновацион сиёсатда хорижий технологияларни фаол ўзлаштириш муҳимлиги асосланган. Миллий инновация тизимини шакллантиришнинг устувор йўналишлари таҳлил этилган.

Таянч иборалар: модернизация, инновация, индекс, юқори технологиялар.

---

## **ВАХАБОВ А.В., ХАЖИБАКИЕВ Ш.Х. ОПЫТ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В МИРОВОЙ ПРАКТИКЕ И НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПРИМЕНЕНИЯ ЕГО В УЗБЕКИСТАНЕ**

В статье оценена роль расходов на научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы для достижения превосходства в инновационной сфере. Обоснована важность активного освоения зарубежных технологий в инновационной политике стран с переходной экономикой. Проанализированы приоритетные направления формирования национальной инновационной системы.

Ключевые слова: модернизация, инновация, индекс, высокие технологии.

---

## **VAKHABOV A.V., HADJIBAKIEV SH.KH. EXPERIENCE INNOVATION IN THE WORLD PRACTICE AND SOME ASPECTS DEMONSTRATE HOW IT IN UZBEKISTAN**

The paper evaluated the role of spending on research and development work for excellence in innovation. It substantiates the importance of active development of foreign technologies in the innovation policy of countries with economies in transition. There is analyzed the priorities of national innovative system.

Keywords: modernization, innovation, index, high technology.

**Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон учун узоқ муддатли даврдаги пировард вазифа барқарор иқтисодий ўсишни таркибий модернизациялаш билан уйғунлигини таъминлаш асосида жон бошига ялли ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўрта юқори даромадли мамлакатлар қаторига киришдан иборат. Таркибий услохотларнинг афзаллиги шундаки, у пировард оқибатда иқтисодиётнинг инновацион ютуқларга асосланган эркин таркибини шакллантириш, аҳоли турмуш даражасини изчил ошириш ва сифатини яхшилаш имконини беради.**

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантиришнинг бирламчи вазифаси мамлакат иқтисодиётини таркибий модернизациялаш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантиришдан иборат. XXI асрга келиб фан-техника тараққиёти ижтимоий-иқтисодий ривожланишда бошқа ишлаб чиқариш омилларига нисбатан ҳал қилувчи иқтисодий омилга айланди. Фан-техника тараққиёти илмий-техник салоҳиятнинг турли элементлари, аввало фан ва таълим орқали ривожланар экан, мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги асосий рақобат афзаллигини таъминлаб бермоқда.

Дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш даражаси турли халқаро рейтинглар орқали баҳолаб борилади. Уларга Жаҳон иқтисодий форуми томонидан ҳисобланадиган Глобал инновацион индекс (GII), Технологик тайёргарлик индекси (NRI), Ахборот-коммуникация технологиялари индекси (GITR), Глобал рақобатбардошлик индекси (GCI)ни киритиш мумкин. Ушбу рейтингларда илмий-техника салоҳияти юқори, фанда етакчиликни сақлаб қолишга интилаётган мамлакатлар етакчи мавқега эга (1-жадвал).

Жаҳон иқтисодиётининг чуқур қиёсий таҳлили инновациялар соҳасидаги етакчилик Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га ажратилаётган харажатларга бевосита боғлиқлигини кўр-

сатмоқда. Жумладан, 2015 йилда глобал ИТТКИ харажатларида биргина АҚШнинг улуши 26,4%ни ташкил этмоқда. ИТТКИ харажатлари таркибининг таҳлили кўрсатишича, ушбу соҳага сарфланаётган маблағларнинг мутлақ миқдори бўйича АҚШ етакчилик қилади (2-жадвал).

Миллий инновацион фаолиятнинг ривожланишини умумлашган ҳолда акс эттирувчи аҳоли жон бошига тўғри келувчи ИТТКИ харажатлари бўйича эса ИХТТ<sup>1</sup> мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар ўртасида кескин фарқ мавжуд. Хусусан, 2014 йилда АҚШ, Германия, Япония, Корея Республикаси каби мамлакатларда ушбу кўрсаткич ўртача 1300 долларни ташкил этгани ҳолда Хитой, Россия каби ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ўртача 260 долларга тенг бўлди. ИТТКИ харажатлари бўйича етакчи мамлакатлар илмий-тадқиқот билан шуғулланувчилар сони бўйича ҳам етакчилик қилишади. Жумладан, 2014 йилда ҳар минг кишига тўғри келувчи илмий ходимлар сони Корея Республикасида 13,5 кишини, Японияда – 10,5, АҚШда – 8,9, ЕИ-28да 7,7 кишини ташкил этгани ҳолда, ушбу кўрсаткич Россияда 6,6, Хитойда эса 2,0 кишини ташкил этди<sup>2</sup>.

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, ИТТКИ харажатларининг катта қисми тажриба-

<sup>1</sup> ИХТТ - Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти

<sup>2</sup> [http://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=MSTI\\_PUB](http://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=MSTI_PUB)

**1-жадвал. Дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш бўйича халқаро рейтинг**

Глобал инновацион индекс (GII), 2016 й. <sup>1</sup>		Технологик тайёргарлик индекси (NRI), 2015 й. <sup>2</sup>		Ахборот-коммуникация технологиялари индекси (GITR), 2015 й. <sup>3</sup>		Глобал рақобатбардошлик индекси (GCI), 2015-2016 йй. <sup>4</sup>	
1	Швейцария	1	Сингапур	1	Корея Республикаси	1	Швейцария
2	Швеция	2	Финляндия	2	Дания	2	Сингапур
3	Буюк Британия	3	Швеция	3	Исландия	3	АҚШ
4	АҚШ	4	Нидерландия	4	Буюк Британия	4	Германия
5	Финляндия	5	Норвегия	5	Швеция	5	Нидерландия
	...		...		...		...
25	Хитой	62	Хитой	82	Хитой	60	Хитой
66	Ҳиндистон	89	Ҳиндистон	131	Ҳиндистон	55	Ҳиндистон
49	Россия	41	Россия	45	Россия	45	Россия
69	Бразилия	84	Бразилия	61	Бразилия	75	Бразилия
54	ЖАР	75	ЖАР	88	ЖАР	49	ЖАР

**2-жадвал. ИТТКИ харажатлари бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари<sup>5</sup>**

Минтақалар ва мамлакатлар	ИТТКИ харажатлари, ЯИМга нисбатан %да			ИТТКИ харажатлари, млн. долл. ХҚП <sup>6</sup> бўйича			ИТТКИ харажатлари, жамига нисбатан %да		
	2012 й.	2015 й.	2016 й.	2012 й.	2015 й.	2016 й.	2012 й.	2015 й.	2016 й.
АҚШ	2,8	2,8	2,8	447	496,8	514	32	26,4	26,4
Хитой	1,8	2	2	232	372,8	396,3	15,3	19,8	20,3
Япония	3,4	3,4	3,4	160	169,6	166,6	10,5	9	8,5
Германия	2,8	2,9	2,9	92	107,4	109,2	6,1	5,7	5,6
Корея Республикаси	3,6	4	4	59	74,5	77,1	3,8	3,9	3,9
Ҳиндистон	0,9	0,9	0,9	43	66,5	71,5	2,7	3,7	3,7
Франция	2,3	2,3	2,3	52	59,2	60	3,4	3,1	3
Россия	1,5	1,5	1,5	38	51,5	50,9	2,5	2,7	2,6
Бошқалар	0,4	0,4	0,4	394	483,7	502,1	23,7	25,7	26
Жами	2	1,6	1,7	1517	1882	1947,7	100	100	100

конструкторлик ишланмаларига сарфланади. Мисол учун, АҚШда 2016 йилда ИТККИ харажатларининг 64%и тажриба-конструкторлик ишланмаларига, 20%и амалий

<sup>1</sup> [http://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2016/article\\_0008.html](http://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2016/article_0008.html)

<sup>2</sup> [www.weforum.org/docs/WEF\\_Global\\_IT\\_Report\\_2015](http://www.weforum.org/docs/WEF_Global_IT_Report_2015).

<sup>3</sup> <http://www.itu.int/net4/ITU-D/idi/2015/>

<sup>4</sup> <http://reports.weforum.org/global-competitiveness-report-2015-2016/the-global-competitiveness-index-2015-2016/>

<sup>5</sup> 2016 Global R&D Funding Forecast. Winter 2016, p.5.

<sup>6</sup> ХҚП - Харид қобиляти паритети бўйича.

тадқиқотларга, 16%и эса фундаментал тадқиқотларга сарфланиши режалаштирилган. Фундаментал тадқиқотлар учун сарфланган маблағларнинг 56%и университетлар, қолган қисми хусусий сектор томонидан ўзлаштирилган<sup>7</sup>.

Жаҳонда юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаси таҳлили кўрсатишича, ушбу соҳада саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар улуши қисқариб бориш тенденциясига эга бўлмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар улушининг ортиб

<sup>7</sup> R&D Magazine Winter 2016, p. 7.

**3-жадвал. БРИКС, НАФТА ва ЕИнинг жаҳон юқори технологик товарлар ишлаб чиқариш ҳажмидаги ҳиссаси, %<sup>1</sup>**

	1999	2000	2004	2008	2010	2012	2014
НАФТА	40,4	41,2	36,0	33,0	33,8	31,3	30,9
ЕИ	22,4	19,8	22,9	22,7	18,1	16,8	17,0
БРИКС	5,9	6,1	10,4	17,9	22,0	27,4	31,1
Бразилия	1,2	1,4	1,1	1,7	1,8	1,9	1,7
Россия	0,7	0,3	0,5	0,9	1,0	1,1	1,2
Ҳиндистон	0,5	0,3	0,5	0,7	0,9	0,9	0,8
Хитой	3,4	4,0	8,1	14,5	18,2	23,4	27,3
ЖАР	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1

**4-жадвал. Дунё мамлакатларининг илғор технологиялар соҳасидаги ўрни, 2015 й. (%)<sup>1</sup>**

Мамлакатлар/ Технологиялар	АҚШ	Хитой	Франция	Германия	Япония	Россия	Корея Республикаси	Буюк Британия	Бошқа мамлакатлар
Янги материаллар	59	15	1	12	7	1	2	2	2
Қишлоқ хўжалиги (озик-овқат)	68	10	3	5	2	1	1	1	10
Автоматлаштириш	22	6	1	29	32	0	8	0	2
Коинот технологиялари	62	3	10	6	1	13	1	2	2
Алоқа	57	13	0	2	13	0	4	4	6
Энергетика	49	10	3	20	7	1	1	1	8
Атроф-муҳит	37	1	6	26	8	1	2	6	12
Асбобсозлик	41	9	1	14	22	1	9	1	2
Соғлиқни сақлаш	43	2	7	18	7	0	2	9	12
Қурол-яроғ	78	6	1	1	0	11	1	1	2
Фармацевтика	56	4	3	16	5	1	1	7	8

бориши эса асосан Хитой ҳиссасига тўғри келади. Мисол учун, Хитой 1999 йилда юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича АҚШдан 10 баравар (маҳсулотлар қиймати бўйича) ортда қолган бўлса, 2014 йилга келиб ушбу кўрсаткич бўйича АҚШга тенглашди (3-жадвал).


Инновацион иқтисодиётга эга мамлакатларда илмий тадқиқотларнинг сезиларли қисми тижорат қийматига эга бўлади ва бозорларда сотилади. Ушбу маҳсулотлар

асосида мамлакатнинг фан сиғимкорлиги юқори тармоқлари ривожлантирилади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2015 йилда жаҳон юқори технологиялар бозорида АҚШ етакчи мавқега эга эканлигини кўрсатмоқда. АҚШ мураккаб электроника, дастурий таъминот, фармацевтика маҳсулотлари, тиббиёт технологиялари, биотехнологиялар, авиа- ва ракета-коинот технологиялари ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми бўйича бошқа мамлакатларни ортда қолдирмоқда (4-жадвал).

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, модернизация аввало мамлакатнинг ишлаб

<sup>1</sup> Science and Engineering Indicators – 2016. Appendix (tables б) маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>2</sup> 2016 Global R&D Funding Forecast. Winter 2016, p.21.

1-расм. Дунёнинг айрим мамлакатларида ялпи ички маҳсулот тармоқ таркибининг сифат ўзгариши<sup>1</sup>.

чиқариш кучларини такомиллаштириш, саноатнинг технологик даражасини тубдан ошириш, иқтисодиётнинг анъанавий тармоқларини технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш билан боғлиқ жараён ҳисобланади.

Инновацион фаоллик ва қайта ишлаш тармоқларининг технологик даражаси ўзaro боғлиқ бўлганлиги сабабли уларни алоҳида кўриб чиқиш мумкин эмас. Технологик жиҳатдан қолақ иқтисодиёт инновацион фаолликни қабул қила олмайди. Шунинг учун ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида миллий иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш учун қайта ишлаш тармоқларининг технологик даражасини тубдан ошириш зарур. Ушбу муаммони «қувиб етадиган модернизациялаш» моделига мувофиқ илғор, амалиётда юқори самарадорликни намоиш этаётган ғарб технологияларини оммавий ва самарали ўзлаштириш орқалигини ҳал этиш мумкин.


<sup>1</sup> Акаев А.А. Среднесрочная импортозамещающая модернизация – пусковой механизм стратегии формирования инновационной экономики России. // «Модернизация. Инновации. Развитие», 2013, №2(14). -С. 6.

Япония, Корея Республикаси ва «Осиё йўлбарслари» илғор ғарб технологияларини самарали ўзлаштириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишда муваффақиятга эришганлар. Охириги ўн йилликларда Хитой ва Ҳиндистон ушбу тажрибадан самарали фойдаланмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда инновациялар ва модернизация ёки ўзлаштирилган технологияларнинг ўрнини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Айрим тадқиқотларнинг кўрсатишича, бирон-бир мамлакат фақат ўз технологиялари ҳисобидан 3%лик кўрсаткичдан юқори техник тараққиёт суръатларини таъминлаб бера олмайди.

1-расм маълумотларига кўра, Япония 1950-1973 йилларда АҚШ технологияларини самарали ўзлаштириш ва миллий ИТТКИ базасини ривожлантириш орқали техник тараққиётининг 8%лик ўсиш суръатларига эришди. Бу эса, ўз навбатида, 1950-1973 йилларда иқтисодий ўсишнинг ўртача йиллик суръати 10% атрофида бўлишини таъминлади. Ушбу тажриба 1970-1995 йилларда Корея Республикаси томонидан амалга

2-расм. АҚШ, Япония ва Буюк Британияда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари, %<sup>1</sup>.



оширилди ва иқтисодий ўсишнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 10%дан юқори бўлди. Охириги 20 йил мобайнида Хитой хориж технологияларини ўзлаштириш ва ўз технологик базасини ривожлантириш орқали барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш этмоқда.

1970 йилларда Япония жаҳонда технологик етакчи мамлакатга айланганидан сўнг ўз инновацион технологияларини устун даражада ривожлантира бошлади. Аммо Япония технологик ривожланиш даражасини 3%дан ошира олмади ва 1990 йилларга келиб ушбу кўрсаткич 2%га қадар пасайиб кетди. XIX ва XX асрларда технологик етакчи мавқега эга бўлган АҚШ ва Буюк Британияда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари турли даврларда 1-3%гача ўзгариб тургани ҳолда 3%дан ошмаган (2-расм).

Бу даврда хориж технологияларини фаол ўзлаштирган Японияда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари 5% атрофида бўлган. XX асрда мувафаққиятли инновацион-технологик тараққиётни босиб ўтган бошқа мамлакатларда ҳам меҳнат унумдорлиги юқори бўлганлигини кузатиш мумкин.

Ҳисоб-китоблар, иқтисодий ўсиш суръатларида ўз ва хориждан ўзлаштирилган технологиялар ҳиссаси мос равишда 1/3 ва 2/3 нисбатда бўлиши мумкин эканлигини кўрсатмоқда. Демак, қувиб етадиган иқтисодий ривожланиш моделининг ҳаракатлантирувчи кучи хориждан илғор технологияларни ўзлаштириш ҳисобланади. Шу билан бирга ушбу ўзлаштириш узоқ муддатда инновация тизимини фаол ривожлантираётган мамлакатлар учунгина самарали ҳисобланади.

Юқори технологик маҳсулотлар бозорида етакчилик қилаётган мамлакатлар тажрибаси технологик етакчилик билан боғлиқ қўйидаги тенденцияларни аниқлаш имконини беради:

- илм-фан ва инновацион янгиликларнинг мамлакат рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш дастаги ва замонавий билимларга асосланган янги типдаги жамиятнинг базавий элементи сифатида баҳоланмоқда. Инновацион тизим фаолиятини таъминлаш ривожланган мамлакатларнинг юқори технологик маҳсулотлар билан савдо қилиш имкониятларини кенгайтиради;

- корпоратив тадқиқотлар ва ишланмаларнинг муҳим иқтисодий аҳамиятга эгаллиги. Компанияларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг ривожланиши

<sup>1</sup> Акаев А.А. Среднесрочная импортозамещающая модернизация – пусковой механизм стратегии формирования инновационной экономики России. // «Модернизация. Инновации. Развитие», 2013, №2(14). -С. 8.

илмий янгиликлар ва янги техник имкониётларни яратади. XX асрнинг охирида ривожланган мамлакатларда инновацион ривожланишга сарфланган умуммиллий харажатларнинг аксарият қисми тадбиркорлик сектори томонидан молиялаштирилган. Ушбу кўрсаткич 2013 йилда Кореяда 78,5%ни, Японияда – 73,5%, Швецияда – 69,3%, АҚШда – 68,0%, Францияда – 60,3%, Германияда 56,4%ни ташкил этди.

Корпоратив тадқиқотлар асосан юқори технологик маҳсулотни ишлаб чиқарувчи тармоқларда олиб борилади. АҚШда ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасида ИТКИ харажатларининг 1/3 қисми корпоратив сектор ҳиссасига тўғри келади. Мисол учун, 2012 йилда Intel ва Microsoft компанияларининг ҳар бири ушбу соҳага 10 миллиард доллардан маблағ сарфлаган;

– замонавий билимларни жамғариш кумулятив жараён ҳисобланади. Илм-фан ва маорифга сарфланаётган маблағлар барқарор ва узоқ муддатга мўлжалланган бўлсагина самара беради. Мазкур соҳани молиялаштириш бирор босқичда тўхтаб қолса, уни кейинчалик кўпайтириш ўзини оқламайди. Давлатнинг илмий-техник сиёсатини молиялаштиришдаги асосий манба бюджет маблағлари ҳисобланади. Мазкур манбадан илмий соҳага йўналтирилган харажатларнинг 1/5 дан 1/2 қисмигача молиялаштирилади. Таҳлилларнинг кўрсатишча, 2013 йилда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик харажатлари Швецияда 3,6%ни, Японияда 3,5%ни, Германияда 2,9%ни, АҚШда 2,7%ни ташкил этган<sup>1</sup>.

Миллий инновация тизимлари аксарият ҳолларда технологик укладлар алмашинадиган даврда шаклланади. Миллий инновация тизимлари шаклланаётган бошланғич даврда инновацион фаолият субъектлари ўртасидаги алоқаларнинг яхлит тизими мавжуд бўлмайди. Ушбу алоқаларни йўлга қўйиш ва умумий инновацион стратегияни

ривожлантиришда давлат алоҳида ўрин тутади. Кейинчалик аксарият саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлардаги каби ушбу соҳада бизнес етакчи мавқега эга бўлиб боради. Аммо айнан қайси модель у ёки бу миллий инновация тизими учун оптимал бўлиши номаълум. Шунга қарамасдан, миллий инновация тизимини яратаётган ҳар бир мамлакат учун қуйидаги ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммоларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, инновацияларга нисбатан ёндашувнинг ташкилий масалаларини ишлаб чиқиш. Дунёнинг катта иқтисодиётга эга мамлакатларида миллий инновация тизимини яратиш узоқ муддатга мўлжалланган миллий лойиҳаларга айланади. Мамлакат инновацион ривожланиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ички иқтисодий муаммоларга боғлиқ бўлмаган ҳолда инновацион фаолият субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Иккинчидан, инновацияларни кенгайтирилган тарзда такрор ишлаб чиқариш механизминини яратиш. Ҳозирги вақтда жаҳонда инновацияларни оммавий равишда ишлаб чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратилган, аммо ушбу жараён зарур инновацион талабнинг йўқлиги сабабли секинлашмоқда.

Учинчидан, инновацияларни жорий этишни рағбатлантириш. Ушбу вазифа тўловга қобилиятли талабни ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун зарур молиявий базани кенгайтириш, миллий инновация тизими субъектлари, хусусан, илмий соҳа ва бизнес ўртасидаги барқарор иқтисодий алоқаларни шакллантиришни тақозо этади.

Тўртинчидан, инновацион жараёнларни мувафақиятли ривожлантириш шarti сифатида иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ошириш. Жаҳон иқтисодиётида, айниқса ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий барқарорлик бўлмас экан ушбу ҳолат ижтимоий беқарорликка олиб кела-

<sup>1</sup> [http://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=MSTI\\_PUB](http://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=MSTI_PUB)

ди, инновацияларни ривожлантиришга бўлган рағбатни сўндиради. Узоқ муддатли, аниқ инновацион ривожланиш стратегиясига эга бўлмасдан туриб самарали миллий инновация тизимини яратиш мумкин эмас.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган пировард мақсад ишлаб чиқариш ва ресурслар етказиб беришга йўналтирилган иқтисодий ўсиш стратегиясидан талаб омиллари ва юқори қўшилган қиймат занжирини шакллантириш, инновацияларни амалиётга жорий этиш ва билимлардан фойдаланишга йўналтирилган стратегияга ўтиш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдир. Ушбу мақсадга эришишда модернизация жараёнлари умумий стратегиянинг салмоқли босқичларидан бири ҳисобланади. Биргина эскирган фондлар ва активларни янгилаш ва алмаштириш кўзланган мақсадга эришиш имконини бермайди.

Ўзбекистонда яқин истиқболда инновацион ривожланиш миллий инновацион тизимнинг аъъанавий ва янги сегментларини, инновацион фаолият институтлари ва механизмларини бирлаштирган ҳолда институционал асосини такомиллаштириш зарур. Мазкур босқичда илғор хорижий технологияларни фаол ўзлаштириш орқали иқтисодиётни чуқур модернизациялаш ва қайта жиҳозлашни таъминлаш зарур. Ушбу жараён йирик корхоналар фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш имконини яратади. Ишлаб чиқаришнинг илғор усулларини амалиётга жорий этиш илмий-тадқиқот ишларига катта миқдорда инвестициялар талаб қилади. Одатда, қарз олинган технологиялар реципиентнинг техник ва институционал муҳитига мослашишга муҳтож бўлади. Технологияларни ўзлаштириш босқичида кичик корхоналар соҳаси эмас, балки давлат ҳал қилувчи роль ўйнашини ҳисобга олиш жоиз. Давлат, бир томондан, инновацион стратегиянинг амал қилиш қоидасини ўрнатади, иккинчи то-

мондан эса зарур мазкур соҳани қўллаб-қувватлаш, жумладан, молиялаштиришни таъминлайди.

Глобал инновацион тизимнинг узвий қисми сифатида Ўзбекистон миллий инновация тизимининг самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида истиқболда миллий инновация тизимининг жадал ривожланишини таъминлайдиган давлатнинг мақсадли фаол сиёсатини ишлаб чиқиш лозим. Шу мақсадда давлат ва бизнес ҳамкорлигида мақсадли инновация дастурларини яратиш зарур. Уларнинг вазифаси технологик ривожланишда илғор хорижий технологияларни фаол ўзлаштириш орқали илмий тадқиқотлар ва ишланмалар соҳаси ютуқларидан миллий иқтисодиётни модернизациялаш амалиётида унумли фойдаланишдир.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш асосида инновацион ривожланиш йўлига ўтказишнинг хориж тажрибаси таҳлили қуйидаги умумлашган илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди:

1. XXI асрга келиб фан-техника тараққиёти ижтимоий-иқтисодий ривожланишда бошқа ишлаб чиқариш омилларига нисбатан ҳал қилувчи иқтисодий ресурсга айланди. Фан-техника тараққиёти мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги асосий рақобат афзаллигини таъминлаб бермоқда.

2. Инновацион фаоллик ва қайта ишлаш тармоқларининг технологик даражаси ўзаро боғлиқ бўлганлиги сабабли уларни алоҳида кўриб чиқиш мумкин эмас. Технологик жиҳатдан қолақ иқтисодиёт инновацион фаолликни қабул қила олмайди. Шунинг учун ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида миллий иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш учун қайта ишлаш тармоқларининг технологик даражасини тубдан ошириш зарур.

3. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш учун қайта ишлаш саноатини технологик жиҳатдан чуқур модернизациялаш ва иқти-

содиётнинг анъанавий, базавий тармоқларини илғор хориж технологияларини самарали ўзлаштириш орқали ривожлантириш лозим.

Мамлакат инновацион ривожланишининг узоқ ва ўрта муддатли мақсадларига эришишни қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошириш кўзда тутилади:

- фундаментал билимларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва «инсон капитали»нинг сифат даражасини ошириш мақсадида бюджет маблағларини ИТТКИни молиялаштиришга йўналтиришни рағбатлантириш;

- илмий тадқиқот натижаларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, жумладан, олинаётган натижаларнинг капиталлашган қисми салмоғини ошириш учун амалий ишланмаларни бозор маҳсулотига айлантиришни таъминлайдиган инновацион инфратузилмани такомиллаштириш;

- инновация соҳасида давлат-хусусий шериклиги механизмидан фойдаланиш – амалий ишланмалар ва инновацион инфратузилмани такомиллаштириш жараёнини давлат иштирокида, технологик модернизацияни эса кўпроқ бизнес ёрдамида амалга ошириш.

---

---

### Адабиётлар:

1. Акаев А.А. Среднесрочная импортозамещающая модернизация – пусковой механизм стратегии формирования инновационной экономики России. // «Модернизация. Инновации. Развитие», 2013, №2(14).
2. [http://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2016/article\\_0008.html](http://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2016/article_0008.html)
3. [www.weforum.org/docs/WEF\\_Global\\_IT\\_Report\\_2015](http://www.weforum.org/docs/WEF_Global_IT_Report_2015).
4. <http://www.itu.int/net4/ITU-D/idi/2015/>
5. <http://reports.weforum.org/global-competitiveness-report-2015-2016/the-global-competitiveness-index-2015-2016/>
6. 2016 Global R&D Funding Forecast. Winter 2016.
7. [http://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=MSTI\\_PUB](http://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=MSTI_PUB)
8. R&D Magazine Winter 2016.
9. Science and Engineering Indicators – 2016. Appendix (tables 6).